-Педагогик сахна-педагогик максадларга эришиш учун йуналтирилган, методик жихатдан педагогик услубларнинг кетма-кетлиги урнатилиши.

-Педагогик тест-маълум шакл ва мазмундаги топширикларнинг мураккаблик даражаси буйича дифференциаллаштирилган тизим булиб, талабанинг аник соха буйича билим, куникма ва махорат даражаси ва тузилмасини самарали бахолаш имконини беради.

Электрон амалиёт-тажрибада яратилган, таълим сохасининг маълум мавзусини камраб оладиган, сакланадиган, ишлов бериладиган ва талабаларга электрон куринишида намойиш килинадиган моделлар тизими ёки реал объектдан узокда жойлашган талабалар томонидан индивидуал тузилган, таълим бериш шароитлари буйича узоклаштирилган компьютер дастурининг электрон воситалари ёрдамида утказиладиган реал экспериментал ишлар.

-Электрон мухаррир-яратилган, узгартирилган, бирлаштириш, ажратиш, узоклаштириш, саклаш, визуаллаштириш ва бошка вертуал олам объектларига ишлов бериш турларини амалга ошириш имконини берувчи электрон мухит. Матн, график, видео, анимацион ва фототасвир, товуш, мусика, гипермедиа ва хоказо мухаррирлари кенг таркалган.

-Тармокли воситалар-укув жараёнининг телекоммуникацион компонентларини куллаб кувватлаш учун, шунингдек ЭУН ларни яратишда телекоммуникацион технологиялардан фойдаланиш имкониятини таъминлаш учун кулланилади. Тармокли воситалар таркибига телекоммуникациянинг стандарт воситалари киради ва уларнинг ёрдами билан жойлашиш урнини курсатиш йули билан укув материали сифатида локал ва глобал компьютер тармокларининг ахборот ресурслари жалб килиниши мумкин.

-Билимлар, куникмалар ва махоратларнинг педагогик тестли назорат килиш тизими – тест назоратида харакатга келтирилган педагогик , услубий, техник, ташкилий ресурслар бирлиги.

-Гиперматннинг маълумотли (ахборотли) маколasi –макола мавзуси, матннинг узи ва тегишли ахборот маколаларига гипер жунатиш руйхати белгиланган сарлавхадан тузилган гипермавзули хужжатнинг компоненти.

-Электрон нашр сахнаси-мазмунда алохида тузилиш компонентлари аник булган мазмуний, мантикий жихатдан фойдаланувчи билан электрон нашр узаро харакатининг дастурий режаси.

-**Атама** – берилган фан соҳасига мослаштирилган ва йирик илмий аникловчига эга булган махсус тушунчани акс эттирадиган суз ёки суз бирикмаси.

-**Тестлаштириш**-статик асосланган шкала ва меъёрга таянадиган, микдорий баҳо билан якунланадиган тестлар асосида улчаш ёки шакллантирилган баҳолаш.

-**Тест топшириги**-тестнинг минимал ташкил этувчи бирлиги булиб, топширик турига боғлиқ равишда танлаш учун жавоблар тупламига эга булиши ёки булмаслиги мумкин.

-**Масофали уқитиш**-уқув юртидан узок масофадаги жисмоний шахсга (талабалар) уқитувчиларнинг доимий маслаҳат олиш билан таълим олиш имкониятини таъминлайдиган замонавий педагогик, компьютерли ва телекоммуникацион технологиялар, услублар ва воситалар мажмуаси. Уқитишнинг масофали шакли уқув жараёнини жорий қилишга вақтинчалик ва ҳудудий талабларни регламентлаштирмайди.

Ягона ахборотли таълим фазаси-талабалар, уқитувчилар ва уқув юртлири бошқаруви ва жамиятни ахборотли таъминлашнинг ягона технологик воситалари билан таъминлайдиган компьютерли техникадан фойдаланишга асосланган дастурли телекоммуникацион муҳит. Ушбу муҳит уқув жараёни ва уқув юртини бошқаришни ахборот билан қўллаб қувватлашга, таълим жараёнининг бориши ва натижалари, шунингдек уқувдан ташқари маросимларни ахборотлаштиришга мулжалланган.

-**Гиперматннинг ахборотли мақоласи сарлавҳаси**-гиперматннинг ахборотли мақоласи, мақолада ёзилган ахборот объектининг номланиши берилган сарлавҳа билан таъминланади.

-**Электрон топшириқлар**-уқитувчига таълим олувчиларнинг индивидуал имкониятларини ҳисобга олган ҳолда мустақил ва назорат ишлари учун тартибга келтирадиган топшириқлар мажмуини узида акс эттирувчи ахборот манбасининг муҳим қуриниши. Яратилган топшириқлар уқувчиларга анъанавий «қогоз» ли ва электрон вариантларида тавсия этилиши мумкин.

-**Иллюстрация**-матнни тушунишга ёрдам берувчи, урганилаётган объект, жараёнини тасвирлаб берувчи расмлар, схемалар, диаграммалар, фотографиклар ва бошқа график тасвирлар.

-**Электрон восита**-таълим жараёни катнашчиларига ишлаб чиқиш, узгартириш, боғлаш, узатиш, узоклаштириш, сақлаш ва ахборот агентлари устида бошқа фаол ҳаракатларни амалга ошириш имконини берувчи восита.

-**Таълимни ахборотлаштириш**-уқитиш ва тарбиялашнинг психолого-педагогик мақсадларини жорий қилишга мулжалланган замонавий ахборот технологияларни ишлаб чиқиш ва фойдаланишнинг назарияси ва амалиёти билан таълим соҳасини таъминлаш жараёни.

-**Ахборотли таълим мухити**-укув фаолиятини жорий килиш учун кулланиладиган компьютер воситалари ва уларни харакатланиш усуллари бирикмаси.

-**Ахборот тизими**-ахборотни узатиш ва қабул килиш тизими бўлиб ахборот манбаи, узатиш, алоқа канали, ахборот қабул қилувчилардан иборат.

-**Ахборотли ва коммуникацион технологиялар**-ахборотга ишлов берувчи турли хилдаги қурилмалар, механизмлар, усуллар, алгоритмларни тасвирловчи умумлаштирувчи тушунча. Ахборотли ва телекоммуникацион технологияларнинг муҳим замонавий қурилмалари бўлиб, мос равишдаги таълимот билан таъминланган компьютер ва узида жойлаштирилган ахборотлар билан бирга телекоммуникацион воситалар ҳисобланади.

-**Ахборотли объект**-турли хилдаги объектларни ,яъни товуш, тасвир, матн, сон ва мажмуавий тузилган элементлар, жадвал, гиперматн, гипермедияни тасвирловчи умумлаштирувчи тушунча бўлиб, улар бевосита ёки алгоритмли қурилишларда тасвирланиши мумкин.

-**Ахборот** –инсон томонидан оғзаки(нутқ шаклида), ёзма(матн, жадвал, расм, чизма, шартли белгилар қурилишида) ёки бошқа усулда (масалан, товушли ёки ёруғлик сигналлари, электрик ёки асабли импульслар ёрдамида) узатиладиган маълумотлар бирикмаси. XX аср уртасидан бошлаб –одамлар, одам ва автомат, автомат ва автомат уртасида маълумот алмашиш,хайвонот ва усимлик оламида сигнал билан алмашишни уз ичига оладиган умумилмий тушунча.

-**Критерия**-муҳокама учун восита бўлиб, унинг асосида бирор объект, маҳсулот ёки жараёни баҳолаш, аниқлаш ёки синфлашни амалга оширилиши мумкин.

-**Мантикий ургу**-фойдаланувчи диққатини компьютер экрандаги маълумот объектига қаратиш учун йуналтирилган психологик аппаратли усул.

-**Модел**-компьютер техникаси воситалари ёрдамида математик услублар асосида ифодаланган, визуаллаштириш мумкин бўлган лойихавий қурилиш.

-**Моделлаштириш**-объектларининг компьютерли моделларида изланишлар олиб бориш, реал мавжуд бўлган нарсалар, мавжудот ва конструкцияланаётган объектлар компьютерли моделларини қуриш ва урганиш.

-**Мультимедияли воситалар**-турли типдаги ахборотларни :матн, расм, схема, жадвал, диаграмма ва бошқаларни яратиш, сақлаш, ишлов бериш ва рақамлаштирилган қурилишида амалга оширишнинг компьютерли воситаси.

Интеллектуал ядро-математик амалларни сонли (рақамли) ва символли қурилишда амалга оширувчи маҳсул дастурлар мажмуаси.

-**Электрон укув нашри**-талабалар томонидан билимлар, куникмалар ва махоратларни ижодий ва фаол эгаллашларини таъминлайдиган илмий амалий билим соҳасига мос равишдаги тизимлаштирилган укув материалга эга булган электрон нашр.

-**Очик таълим** –масофали унутиш технологияси ва услубини куллайдиган, укувчи учун кулай ритмда таълим беришни таъминлайдиган, исталган хохловчи учун бошлангич билим даражасини тахлил килмасдан эришиш мумкин булган унутиш тизими.

Очик тест тизимлари-укитувчи, услубчи, дарслик муаллифи учун янги тест яратиш ёки мавжуд тестни узгартириш имкониятини берувчи тизимлар.

Электрон дарслик (ЭД)-компьютер технологиясига асосланган укув услубини куллашга, мустакил таълим олишга ҳамда фанга оид укув материаллар, илмий маълумотларнинг ҳар томонлама самарадор узлаштирилишига мулжалланган булиб:

- укув ва илмий материаллар факат вербал (матн) шаклда;
- укув материаллар вербал (матн) ва икки улчамли график шаклда;
- мультимедиа (multimedia- куп ахборотли мухит) кулланмалар, яъни маълумот уч улчамли график курунишида, овозли, видео, анимация ва кисман вербал (матн) шаклда;
- тактил (хис килинувчи, сезилувчан) хусусиятга эга, укувчини компьютер экрани оламида узининг стерео нусхалари тасвирланган реал оламга кириб бориши ва ундаги объектларга нисбатан тасаввурини яратадиган шаклда ифодаланади.

Электрон дарслик- универсал дастурий таъминот булиб, у муайян касбий фаолиятнинг уқиш турлари ёки ахборот турлари ёки ахборот турларини кайта ишлашни автоматлаштиришга имкон беради.

1.5. Масаланинг қўйилиши.

Битирув малакавий ишим мавзуси “Macromedia Flash дастурининг ActionScript дастурлаш муҳити бўйича электрон маълумотнома яратиш” деб номланади.

Мавзунинг долзарблиги шундаки ҳозирда олий ўқув юртида утиладиган барча фанлардан электрон ўқув кулланмалар, электрон маълумотномалар, виртуал стендлар тайёрлаш ўқув режага кирган бўлиб, уни тайёрлаш асосий талаблардан бири бўлиб келмоқда. Бунга асосий сабаб ўқитиш жараёнида баъзи маърузалар ва тажриба ишларида айнан шу яратилган ўқув ресурслардан фойдаланилиши мақсадга мувофиқ бўлади. Ўқитиш тизимида дарсни маълум қисмларини намойиш асосида талабага етказиш мумкин. Олий таълим ва касб – ҳунар коллежлари талабаларининг ҳар бир фандан мукаммал билим олиб, малакали мутахассислар бўлиб етишишида ўқув режаларида белгиланган маъруза, тажриба, амалий ва мустақил иш соатларида турли услуб ва воситаларни қўллаб самарали фойдаланиш муҳим аҳамиятга эга.

Айниқса мустақил ва тажриба ишларини ташкил этишда талабаларнинг индивидуал қобилиятлари ва фан хусусиятларини эътиборга оладиган ўқув – услубий воситалар, усуллар ва тавсиялар ишлаб чиқиш, уларни амалда қўллаш яхши натижалар беради.

Таълим сифатига юқори талаблар қўйилаётган бугунги кунда талабаларда анъанавий усулларда таълим олишга қизиқиш камайиб бормоқда. Уларни турли усулларда қизиқарли ва кўргазмали воситалардан фойдаланиб билим олишга фаол жалб қилиш имкониятлари йилдан – йилга ортиб бормоқда. Илғор ўқув юртлари замонавий компьютер технологияларидан унумли фойдаланиб, таълим сифатини оширишга эришмоқда. Компьютер техникасини замонавий даражаси интернетни ривожланиши ўқитиш жараёнига йўналтирилган, зарурий услубий, дастурий ва техник воситалар билан таъминланган замонавий ахборот технологиялари мажмуаси тушуниладиган информацияли – ўқитиш муҳити яратиш учун кенг имкониятлар яратади.

Ўқитишни умумий қонуниятларига доир дидактик аспектлар ва у ёки бу аниқ фан ёки фанлар гуруҳини ўқитиш хусусиятларини услубий аспектлари ўзаро ва электрон дарсликни дастурий таъминоти масалалари билан узвий боғланган.

Битирув малакавий ишнинг асосий мақсади «Информатика ва ахборот технологиялари» кафедрасида утиладиган «Web-технологиялари» фанида утиладиган Macromedia Flash дастурининг ActionScript дастурлаш муҳити бўйича электрон маълумотнома яратишдир. Талабаларда тасаввурни кучайтириш, фаннинг асосий тушунчаларини етказиш ва электрон ўқув адабиётлари билан ишлашни ургатишдир.

Демак, уларни амалга оширишда электрон маълумотнома ва унинг таркибига кирган виртуал кургазмалар тупламидан фойдаланилса, мақсадга мувофиқ бўлади. Талаба олган назарий билимларини курган виртуал кургазма асосида мустахкамлайди.

1.6. Электрон маълумотномани яратиш алгоритми.

Электрон маълумотномани яратиш учун дастлаб керакли маълумотлар йиғилган файлни тайёрлаш керак. Microsoft Front Page дастурини очиб, “Создать” буйруғини танлаймиз. “Создание” мулоқот ойнасидан “Одностраничный веб-узел” шаблонини танлаймиз. Ишчи ойнада Index.htm файли очилади. Бу яратилаётган электрон маълумотноманинг бош саҳифа файли ҳисобланиб, бу ерда керакли график ва бошқа объектларни жойлаштирамиз.

Бош саҳифани расмийлаштириш учун Internet тармоғидан олинган тайёр шаблонлардан мос келадиганини танлаб бириктирамиз. Шаблонни бириктириш учун шаблон жойлашган каталогни веб-узел сифатида очамиз ва керакли саҳифани Index.htm деб номлаймиз. Керакли йўлланмаларни ва объектларни ўрнатиб, саҳифани талаб даражасида расмийлаштирамиз.

Жимлик қоидасига биноан яратилаётган веб-узел “\Documents and Settings\Admin\Мои документы\My Webs\myweb” папкасида жойлашган бўлади. Бу йўлни ихтиёрий вақтда “Сохранить как” буйруғи ёрдамида ўзгартириш мумкин.

Бош саҳифада мавзунинг номи, муаллифлар, мундарижага йўлланма, дастурлаш муҳити ҳақида умумий тасаввур берувчи анимация (ҳаракат) бўлиши керак.

Фон танлаш.

Шундан сўнг “Формат” менюсидан “Фон” бўлимини танлаймиз. Экранда “Свойства страницы” мулоқот ойнасининг “Форматирование” саҳифаси фаоллашади. Бу ердан “фоновый рисунок” байроқчасини белгилаймиз ва “Обзор” тугмаси ёрдамида керакли расмни танлаймиз бу расм, бизнинг бош саҳифамиз фонида туради ва ҳамма объектлар рангини шу фонга қараб танлаш тавсия қилинади.

WordArt белгиси ёрдамида муаллиф исми ва шарифини киритиб, уни саҳифанинг пастки қисмига жойлаштирамиз.

Ҳаракатланувчи (анимацияли) тасвирни жойлаштириш.

Кейинги иш бош саҳифанинг ўртасида ҳаракатланувчи (анимацияли) тасвирни жойлаштиришдир. Бунинг учун курсорни керакли жойга ўрнатамиз, “Вставка” менюсининг “Рисунок” бўлиmidан “Фильм в формате Flash...”ни танлаймиз. Керакли файлгача бўлган йўлни ва файл номини танлаб, “Вставить” тугмасини босамиз.

Биз саҳифага ўрнатаётган матнлар ҳам, расмлар ҳам “Конструктор” режимида ҳаракатсиз кўринишда бўлади. Уларнинг ҳаракатларини кўриш учун “Просмотр” режимида ўтиш, ёки “Сохранить веб-узел” буйруғини бажариб, уни Internet Explorer дастури ёрдамида кўриш мумкин.

Лоихага бошқа саҳифаларни қўшиш.

Шу амаллар билан бош саҳифани расмийлаштиришни вақтинча тўхтатамиз ва қолган саҳифаларни веб-узелимизга бириктираамиз. Бунинг учун “Вид” менюсининг “Переходы” буйруғини танлаймиз асосий ишчи ойнада узелимиз номи ёзилган битта саҳифа макети кўринади бу лоихамизнинг бош саҳифаси бўлиб, унга қолган саҳифаларни бириктириш мумкин бўлади. Саҳифа макетининг устига сичқончанинг ўнг тугмасини босамиз ва ҳосил бўлувчи контексли менюнинг “Создать” бўлимидан “Страница” буйруғини танлаймиз. Ойнада бош саҳифага боғланган “Новая страница 2” саҳифаси ҳосил бўлади. Бу саҳифа номини “Mundarija” деб номлаймиз, саҳифа номини ўзгартириш учун, уни танлаб F2 тугмасини босиш керак. Шунда экраннинг “Список папок” ойнасида “Mundarija.htm” саҳифаси пайдо бўлади.

Мундарижани тайёрлаш.

Экраннинг чап қисмидаги “Список папок” ойнасидан мундарижа саҳифасига кирамиз ва мавзуларнинг номларини ёзиб, уларга мос саҳифалар учун йўлланмалар ўрнатиб чиқамиз.

Саҳифа макетини ҳосил қилиш.

Сўнгра биринчи маърузанинг саҳифасига кириб, “Таблица” менюсидаги “Макетные таблицы и ячейки” буйруғини танлаймиз. Шунда Microsoft Front Page дастури ишчи ойнасининг ўнг томонида “Макетные таблицы и ячейки” мулоқот ойнаси ҳосил бўлади. “Макет таблицы” ойнасидан ўзимизга керакли жадвални танлаб оламиз ва унинг ўлчамларини талабга мос ҳолда ўзгартирамиз. Биз бу кўринишни ҳосил қилиш учун бўлим (фрейм)лардан ҳам фойдаланишимиз мумкин, лекин бу ҳолатда саҳифаларимизнинг юкланиш жараёни қийин кечади.

Ҳамма маърузаларимиз шу мақомда бўлишини ҳисобга олган ҳолда юқориги калонтитул ва бурчакдаги соҳаларга мос объектларни танлашимиз керак. Бу объектлар, саҳифани безаш учун хизмат қилади ва диққатни ўзига жалб қилиш учун фойдаланилади.

Юқориги калонтитулга фаннинг номини билдирувчи ҳаракатли матн қўйиш мақсадга мувофиқ, бундай матнлар билан ишлашда Microsoft Front Page дастури имкониятлари чегараланганлигини ҳисобга олган ҳолда бу мақсадда “SWiSH” дастуридан фойдаланиб ҳаракатли матн яратамиз ва уни объект сифатида саҳифаларимизга ўрнатиб чиқамиз.

SWiSH дастурида ҳаракатли матн тайёрлаш

SWiSH дастурини ишга туширгач, унинг ишчи ойнасига юқориги калонтитул ўлчамларини берамиз. Сўнгра “Text” объектини ташлаб, SWiSH дастурининг ўнг қисмидаги текст ойнасига “Дастурлаш технологияси” ёзувини киритамиз. “Add Effect” тугмасини босамиз ва ҳосил бўладиган рўйхатдан “Explode” бўлимини танлаймиз, экранга Explode

Settings мулоқот ойнаси чиқарилади. Бу ойнадан ҳаракатнинг ташқарига (Explode) ёки ичкарига (Implode) эканлигини танлаймиз ва керакли параметрларни ўрнатиб Close тугмасини босамиз. Бу амал орқали матнга бирламчи ҳаракат берилди. Кейинги ҳаракатларни бериш учун яна “Add Effect” тугмасини босамиз ва ҳосил бўладиган рўйхатдан “Snake” бўлимини танлаймиз, экранга Snake Settings мулоқот ойнаси чиқарилади. Бу ойнадан ҳаракатнинг бошидан (Start straight) ёки охиридан (Follow path) эканлигини танлаймиз ва керакли параметрларни ўрнатиб Close тугмасини босамиз. Шу кетма-кетлик орқали матнга ҳоҳлаганча ҳаракатларни кетма-кет бериш мумкин. Шунингдек, бошқа матн ёки расмлар ташлаб, уларга ҳам шу алгоритм ёрдамида ҳаракатлар (анимациялар) бериш ва уларни намоиш қилиш мумкин.

Керакли кўриниш ҳосил қилганимиздан кейин SWiSH дастурининг Файл менюсидан “Export to SWF” буйруғини танлаймиз ва сақланадиган файлга неом бериб, жойини кўрсатиб “Сохранит” тугмасини босамиз ҳамда SWiSH дастури билан ишни якунлаймиз.

Ҳаракатланувчи колонтитул ўрнатиш

Яна Microsoft Front Page дастурига қайтамыз ва биринчи маърузанинг саҳифасидаги юқориги колонтитулга курсорни ўрнатиб, “Вставка” менюсининг “Рисунок” бўлиmidан “Фильм в формате Flash...”ни танлаймиз. SWiSH дастурида яратган файлимизгача бўлган йўлни ва файл номини танлаб, “Вставить” тугмасини босамиз.

Йўлланмалар панелини ўрнатиш

Саҳифамизнинг чап томонидаги ойнага курсорни ўрнатамыз ва “Вставка” менюсининг “Панель ссылок” буйруғини фаоллаштирамиз ҳосил бўлувчи мулоқот ойнасининг “Выберите тип панели” бўлиmidан “Панель с пользовательскими ссылками” бўлимини танлаймиз ҳамда “Далее” тугмасини босамиз. Кейинги мулоқот ойнасидан панел тугмаларининг кўриниши ва мақоми танланиб, “Далее” тугмасини босамиз. Кейинги “Ориентация” мулоқот ойнасида панел тугмаларининг горизонтал ёки вертикал жойлашишини белгилаб “Готово” тугмасини босамиз.

Экранда “Свойства панели ссылок” мулоқот ойнаси ҳосил бўлади. Бу мулоқот ойнасида дастлаб янги йўлланмалар панели яратиб унга ном берамыз, бу жорий ойнанинг “Создать” тугмаси орқали амалга оширилади. Мулоқот ойнасининг “Добавит ссылку” тугмаси ёрдамида янги йўлланмани киритиш тартиби қуйидагича: “Добавит ссылку” тугмаси босилгач “Добавит на панель ссылок” мулоқот ойнаси фаоллашади. Бу мулоқот ойнасининг “Папка” майдонидан жорий узел турган каталог кўрсатилади ёки “Текущая папка” тугмаси танланади. Файллар рўйхатидан керакли файл, масалан “Mavzu 2.htm” танланиб, текст майдонига “2-Мавзу” ёзувини киритиб, “ОК” тугмасини босамиз. Шу кетма-кетликда ҳамма

маърузалар, адабиётлар ва бош саҳифаларнинг йўлланмаларини ҳам шундай йўл билан яратамиз. Ҳамма йўлланмалар яратиб бўлингач, “ОК” тугмасини босиб, “Свойства панели ссылок” мулоқот ойнасини ёпамиз. Шунда биринчи маъруза саҳифасининг чап томондаги ойнасида биз кўрсатган йўлланмалар тугмалар кўринишида ҳосил бўлади. Саҳифанинг юқориги чап бурчагига яна бир ҳаракатли тасвир (eart.swf) файлини ташлаймиз. Саҳифамизнинг умумий кўриниши тайёр бўлди. Кейинги саҳифаларимизни ҳам шундай расмийлаштириш учун биринчи маъруза саҳифасида “Правка” менюсининг “Выделить всё” буйруғини танлаймиз ва белгиланган объектларни буферга нусхалаб оламиз. Сўнгра навбат билан кейинги саҳифаларни очиб буфердаги объектларни ташлаб чиқамиз. Бош саҳифадан бошқа ҳамма саҳифалар шу тартибда расмийлаштирилади.

Саҳифалар алмашилиш эффектини танлаш

Бу амаллар тугатилгач, бош саҳифани фаоллаштирамиз, “Формат” менюсидан “Смена страниц” буйруғини танлаймиз. Экранда “Смена страниц” мулоқот ойнаси ҳосил бўлади. Бу ойнанинг “Событие” рўйхатидан саҳифага кириш ёки саҳифадан чиқиш ҳолати танланади. Сўнгра “Эффект” бўлимидан “Произвольное” танланади. “Длительность” майдонида эса, керакли вақтни секунд ўлчамида киритамиз. “ОК” тугмаси босилгач бу саҳифа шу эффект билан очиладиган ўрнатмада бўлади. Сўнгра кейинги саҳифаларни ҳам кетма-кет фаоллаштириб, уларга ҳам эффект ўрнатилади. Шу амалларни бажарганимиздан сўнг веб-узелимизнинг яъни электрон услубий қўлланманинг хом ашё файллари тайёр бўлади. Кейинги амал унга мос маълумотларни ташлаб, ҳаракат йўналишларини тайёрлаб чиқиш қолди.

Саҳифани расмийлаштириш

Биринчи маъруза саҳифасини фаоллаштирамиз ва биринчи маъруза матнини кўчириб ташлаймиз. Маъруза режасига киритилган барча қисм мавзуларни навбат билан белгилаймиз. Белгиланган қисм мавзуни закладкага айлантирамиз. Бунинг учун “Вставка” менюсидан “Закладка” буйруғини танлаймиз, экранда “Закладка” мулоқот ойнаси ҳосил бўлади ва унинг “Имя” майдонида закладка номини киритиш ёки таклиф қилинаётган номни қолдириб, “ОК” тугмасини босиб керак бўлади. Бошқа қисм мавзуларни ҳам шу тартибда закладка ўрнатиб, режага чиқамиз. Режанинг биринчи мавзусини белгилаб, “Вставка” менюсидан “Гипперссылка” буйруғини танлаймиз. Ҳосил бўлган “Добавление гиперссылки” мулоқот ойнасининг “Связать с” майдонида “место в этом документе” бўлимини танлаймиз. Шунда мулоқот ойнасининг “Выберите место в документе” майдонида биз ўрнатиб чиққан ҳамма закладкалар рўйхати чиқарилади. Улар орасидан режанинг биринчи мавзусига мос келувчи

закладкани танлаб “ОК” тугмасини босамиз. Режанинг қолган қисмларига йўлланма ўрнатиш ҳам шу тартибда амалга оширилади.

Таянч иборалар йўлланмаларини боғлаш

Таянч ибораларига киритилган барча таърифларни навбат билан белгилаймиз. Белгиланган таърифни закладкага айлантирамиз. Бунинг учун “Вставка” менюсидан “Закладка” буйруғини танлаймиз, экранда “Закладка” мулоқот ойнаси ҳосил бўлади ва унинг “Имя” майдонида закладка номини киритиш ёки таклиф қилинаётган номни қолдириб, “ОК” тугмасини босиш керак бўлади. Бошқа таърифларни ҳам шу тартибда закладка ўрнатиб, таянч иборалар бўлимига тушамиз. Биринчи таянч иборани белгилаб, “Вставка” менюсидан “Гиперссылка” буйруғини танлаймиз. Ҳосил бўлган “Добавление гиперссылки” мулоқот ойнасининг “Связать с” майдонида “место в этом документе” бўлимини танлаймиз. Шунда мулоқот ойнасининг “Выберите место в документе” майдонида биз ўрнатиб чиққан ҳамма закладкалар рўйхати чиқарилади. Улар орасидан биринчи таянч иборага мос келувчи закладкани танлаб “ОК” тугмасини босамиз. Қолган таянч ибораларга ҳам йўлланма ўрнатиш учун ша амаллар кетма-кетлиги бажарилади.

Бошқа маърузаларни ҳам шу тартибда расмийлаштириб чиққанимиздан сўнг, адабиётлар саҳифасига фойдаланилган адабиётлар рўйхатини кўчириб ташлаймиз.

Тугмалар ўрнатиш

Электрон мажмуамиз қисман тайёр бўлди. Энди маърузани ўқиб бўлгандан сўнг орқага қайтиш имконияти бўлиши учун маърузалар саҳифалари остига тугмалар ташлаб чиқишимиз керак бўлади.

Тугма (Кнопка)ни саҳифага ўрнатиш учун “Вставка” менюсидан “Веб-компонент” буйруғини танлаймиз, ҳосил бўлувчи “Вставка компонента веб-узла” мулоқот ойнасининг “Тип компонента” рўйхатидан “Динамические эффекты” бандини ва “Выберите” эффект майдонидан “Интерактивная кнопка” ни танлаб “Готово” тугмасини босамиз. Ҳосил бўлувчи “Меняющиеся кнопки” мулоқот ойнасининг “Кнопка” майдонидаги рўйхатдан ўзимизга маъқул тугмани танлаймиз, “Текст” майдонида керакли матн (Орқага, юқорига, пастга, мундарижа)ларни киритамиз, “Ссылка” майдонида маълумот киритиш учун “Обзор” тугмасини босамиз ва керакли объектни танлаймиз. Масалан мунарижа саҳифасига ўтадиган тугма ўрнатиш учун керакли тугма танлангач, “Текст” майдонида Мундарижа ёзувини киритамиз ва “Ссылка” майдонида маълумот киритиш учун “Обзор” тугмасини босамиз ва лоиҳамиз каталогидан Mundarija.htm файлини танлаб, “ОК” тугмасини босамиз.

Шу тугмани буферга нусхалаб олиб, мундарижа ва бош саҳифадан бошқа ҳамма саҳифаларга ташлаб чиқамиз.

Бу амалларни тугатгач бажарилган ишлар натижасини кўриш учун “Файл” менюсининг “Просмотрет в обозревателе” бўлимини танлаймиз ва натижалар “Internet Explorer” дастурида кўриниши кўриб керакли ўзгартиришларни киритиб ҳамма маълумотларни сақлаймиз.

II БОБ. Информацион компьютер технологияларининг ўқув жараёнида қўлланилиши.

2.1. Замонавий педагогик технологиялар.

Педагогик технология – бу илмий-техникавий тараққиёт меваси бўлиб, «Педагогика» ва «Технология» фанлар уланишларида пайдо бўлди. Оммавий таълимнинг ривожланиши бу фаннинг пайдо бўлиши учун замин яратди.

«Таълим тўғрисида» ги ва «Кадрлар тайёрлаш миллий дастури» қонунларига (1997 йил) асосан Ўзбекистон Республикасида оммавий таълим доирасини янада кенгайтириш кўзда тутилган. Бу қонунларга мувофиқ Республикада 12 йиллик мажбурий таълим жорий этилди.

Ёппасига ўрта махсус, касб-хунар таълими шароитида, ҳамда олий таълимнинг ёппасига 2 босқичли тизимга (бакалавриат, магистратура) ўтиши муносабати билан педагог касби энг оммавий касбга айланиб қолди. Бу эса ўз навбатида, педагогик жараёнга, тажрибали ва тажрибасиз истеъдодли ва истеъдодсиз педагогларни жалб қилишни тақозо этади. Бундай шароитларда, Давлат таълим стандартлари талаблари даражасидаги кадрларни тайёрлаш «оддий» педагог томонидан факат педагогик технологияни қўллаб, амалга оширилиши мумкин.

Айнан шу мақсадларда, юқорида кўрсатилган қонунларда, педагогик технологияларни яратиш ва жорий этиш, кадрлар тайёрлаш тизимида фаннинг асосий вазифаси этиб белгиланган.

Ўқув жараёни технологик тайёргарлигининг ўзаги бўлиб, ўқитиш жараёни ҳисобланади. Шунинг учун «Технология»ни ўқитиш жараёнига жорий этиш педагогик технологиянинг вазифаларидан бири ҳисобланади.

Ўқитишнинг замонавий технологияларини қўллаш ўқитиш жараёнини ягона шаклга келтириш ва юқори самарадорликка эришишга имконият яратади. Илмий техникавий тараққиётнинг жадал суръатларда ривожланаётган ҳозирги даврида ўқитишнинг анъанавий технологиялари шахсга йўналтирилган технологиялар билан интенсив равишда алмашилиш жараёнлари кузатилмоқда.

Дастурлаштирилган ўқитиш – бу дастурлаштирилган ўқув материалининг ўқитувчи восита ёрдамида бошқарадиган ўзлаштиришдир. Бу восита ЭҲМ, дастурлаштирилган дарслик, кинотренажер ва бошқалар, бўлиши мумкин. Дастурлаштирилган ўқув материали ўқув ахборотини бир неча унча катта бўлмаган бўлакларидан («кадрлар», «файллар», «қадамлар») иборат бўлиб, маълум кетма-кетликда тақдим этилади.

Уқитишнинг бу тури 50-йилларнинг бошларида пайдо бўлди ва америкалик психолог Б.Сканнернинг номи билан боғлиқ. Дастурлаштирилган ўқитиш технологияси қўйидаги тамойилларга ажралади .

- ◆ Бошқарувчи тузилмаларнинг маълум даражасидаги иерархияси қўйидаги масъулиятли вазиятларда педагог тизимни бошқаради: фандан умумий йўналишни белгилаш, фанга муносабат, индивидуал ердан ва тузатишлар киритиш,
- ◆ Педагог ва талабага зарур бўлган тезкор тескари алоқа, бирига ўқув материални тушуниш учун иккинчисига тузатишлар киритиш учун.

Тескари алоқа икки хил шаклда амалга оширилади. Ички ва ташқи кўринишда. Ички тескари алоқа – талабанинг ўзи томонидан бажариладиган, ўқув материалнинг ўзлаштирилишини муттасил таҳлил қилиб бориш. Ташқи тескари алоқа – педагог ёки бошқарувчи – ўқитувчи қурилма томонидан ўқув материалнинг талаба томонидан ўзлаштирилишини муттасил баҳолаб бориш.

- ◆ Ўқув материални қадамлаб берувчи технологик жараён асосида ишлаб чиқилган ўқитувчи дастурлар. Бу эса, ўқув материали дастурда алоҳида мустақил, аммо ўзаро боғлиқ қисмлар кўринишида шаклланишини англатади. Қадам ўзаро боғлиқ учта звенодан иборат: Ахборот, тескари алоқа элементи ва назорат изчил қадамли ўқув амаллари йиғиндиси ўқитувчи дастурни - дастурлаштирилган ўқитиш асосини ташкил этади.
- ◆ Ўқитишнинг индивидуаллигини турли хил вақтда бўлса ҳам, ўқув материалнинг тўла ўзлаштирилиши таъминланади. Чунки ўқитиш, суръати, ўқув материалнинг ҳар бир талаба томонидан ўзлаштирилиши индивидуалдир.
- ◆ Ўқитувчи (ўргатувчи) воситалардан фойдаланиш. Дастурлаштирилган ўқитиш технологиясининг хусусияти шундаки, ўқув материали талабалар томонидан назорат топшириқларини ўз ичига олган унча катта бўлмаган блоклар бўйича ўзлаштирилади.

Ўқув ахборотининг кейинги блоки олдинги блок ўзлаштирилганидан сўнг берилади. Агар назорат, ўқув ахбороти блокини ўзлаштирилмаганлигини кўрсатса, уни ўрганиш такрорланади Қадамли дастурлар ўқитишни алгоритмлаш–ўқув алгоритмларини тузишга олиб келди. Алгоритм мустақил ўқитиш воситаси ёки дастурлаштирилган ўқитишнинг бир қисми ҳам бўлиши мумкин. Ўқитишдаги дастурлаш ғоясининг турли хил кўриниши, ўқитишнинг блоки ва модулли тизимлари ҳисобланади.

2.2. Мультимедиа мухитида ўқитиш курсларини ишлаб чиқиш.

Талабаларни ахборот-коммуникациялар технологияларини куллаш асосида ўқитиш янги таълим стандартига айланмоқда. Компьютерда ўқитиш тизимлари ви-деокассеталарда ахборотлар кетма-кет жойлашган курсларга нисбатан кенг имкониятларга эга. Яъни талаба узини кизиқтирган ва хоҳлаган мавзусига ўтиб билим олиши мумкин. Бундан ташқари, бундай тизимлар самарали баҳолаш ва билим олиш жараёнини назорат қилиш воситалари билан жиҳозланган.

Замонавий компьютерда ўқитиш тизимлари мультимедиа-технологиялари асосида лойиҳалаштирилади ва ишлаб чиқилади. Бундай технологиялар билимларнинг бир нечта йуналишларининг туташган жойида пайдо бўлган. Мультимедиа-технологиялар ўтган асрнинг 80-йиллар урталарида кенг қулланила бошланилиб, ҳозирги кунда асосан қуйидаги соҳаларни қамраб олган:

- дам олиш учун (компьютер ўйинлари, виртуал борлик);
- реклама (презентация, реклама фильмлари);
- телекоммуникациялар;
- ахборот тизимлари;
- моделлаштириш;
- таълим.

Мультимедиа-технологияларга асосланган ўқитиш курсларини ишлаб чиқиш узок, муддатли ва қимматли жараён. Шунинг учун ҳам бундай курсларни ишлаб чиқишнинг барча босқичларини яхши тасаввур этиш керак.

Дастлабки босқич

Дастлабки босқичда мультимедиа-технология асосида ишлаб чиқилиши керак бўлган курсни танлаш керак бўлади. Бу энг маъсулиятли босқичлардан бири саналади. Авваламбор, бу соҳадаги мавжуд курсларни таҳлил қилиш керак. Ушбу курсни ишлаб чиқиш сарф-харажатлар миқдори ҳисобланиб чиқилиб, уни қанча қупайтириш ва қандай аудиторияга мулжаллангани белгилаб олинади. Компьютерларда ўқитиш курслари мактабгача бўлган ёшлар, мактаб ўқувчилари, касб-хунар коллежлари ва олийгохлар талабалари ва малака ошириш масканлари тингловчилари учун мулжалланган бўлиши мумкин. Шулардан келиб чиққан ҳолда компьютерда ўқитиш тизимларининг мураккаблик даражалари аниқланади.

Тайёрлаш босқичи

Ушбу босқичда компьютерда ўқитиш тизимининг матни, унда қулланиладиган расм, жадвал ва анимациялар танлаб олинади. Амалиёт шуни курсатмоқдаки, бундай тизимларни яратишда

матнни олдин чоп этилган дарслик ёки укув кулланмаларига асосланиб танлаш керак экан, чунки бунда имло хатолар йук., матннинг мазмуни ҳам анча юкори савияда булади.

Компьютерда уkitиш тизимининг матнини шакллантиришда куйидаги боскичларга риоя килиш мақсадга мувофиқдир:

- мақсадни аниқлаш ва матнлар манбаларини танлаб олиш;
- укув матннинг таркибини аниқлаш;
- дастлабки манбаларни компьютерда уkitиш тизимининг мундарижасидан келиб чикиб таркиблаштириш;
- таркибий тахрир килиб чиқиш;
- назорат;
- матнни экспертиза килиш.

Асосий босқич

Компьютерда уkitиш тизимини яратишнинг асосий боскичида тез-тез ишлатиладиган анимация элементлари, овоз кабилар ишлаб чиқилади. Буни куйидагилар билан изохлаш мумкин. Биринчидан, матннинг ёнида бирор бир иллюстрациянинг булиши уни қабул килиш даражасини юксалтиради. Иккинчидан, иллюстрация қилинаётган расм анимация ёки видеофрагментга нисбатан қуп хотирани эгалламайди.

Мультимедиа муҳитида уkitиш тизимларини яратишда анимациялардан фойдаланиш катта урин тутади. Анимациядан укувчига укув материалининг мазмунини тулик. етказиш ва айрим объектларни ички ҳолатларини курсатиб беришда самарали фойдаланиш мумкин. Анимацияларни ишлаб чиқишда компьютер графикаси воситаларидан кенг фойдаланилиб, унда икки (2D) ва уч улчамли (3D) фазода объектлар тақдим этилади. Укув жараёнида компьютерда уkitиш тизимларидан фойдаланишда видео элементлари ҳам кенг кулланилади, чунки видео орқали дунёнинг мавжуд объектларини тулик акс эттириш мумкиндир. Бундан ташқари амалиётда укув курсларига овоз ва мусикавий элементлар ҳам киритилмоқда. Бу ҳам укув материалларини укувчининг хотирасида узок муддатда сақланиб қолишида катта урин тутади.

Ахборот-коммуникациялар технологияларининг таълим соҳдсида кенг қуламда кулланилиши, авваламбор таълим тизими сифати, илмий-техникавий ахборотларнинг тезкор олиниши, замонавий педагогик технологияларнинг жорий қилиниши ва масофавий уkitиш тизимини шакллантиришни таъминлаб беради (1.16-жадвал). Ўзбекистон Республикасида дастурий маҳсулотлар бозорини шакллантириш борасида бир қатор амалий ишлар олиб борилмоқда. Тошкент давлат иқтисодиёт университети «Информатика, менежмент ва иқтисодий таълим педагогикаси» факультети қошидаги «Ёш тадқиқотчи олимлар маркази»да

«Иктисодий информатика» фанидан академик С.С.Гуломовнинг умумий тахрири остида электрон дарслик яратилди.

- Электрон дарслик йуналтирувчи (навигацион) тизим билан таъминланди. Ушбу тизим фойдаланувчиларга электрон дарсликнинг исталган бетига тугридан-тугри утишини таъминлайди, бунда бутун матнни бошдан-оёқ, куздан кечиришнинг хожати йук.. Хар бир мавзудан кейин тест саволлари берилган ва фойдаланувчи уз билим даражасини ушбу тестлар оркали текширса булади. Мультимедиа воситалари оркали фойдаланувчилар билан интерактив алока урнатилиши мумкин. Электрон дарслик хар хил дастурлаш тиллари оркали тузилади, лекин хозирча дастурлашнинг маълум бир стандарти мавжуд эмас. Хар бир электрон дарслик узига хос булади. Ушбу дарсликнинг хам бир неча кулайликлари мавжуд, жумладан: керак булган материалларни талабаларга кулай курунишда такдим этиш;
- электрон дарсликнинг талаба билан интерактив усулда мулокотда була олиши;
- талабаларнинг укув материалларини мустакил равишда урганиши ва олган билимларини тест синовлари асосида синаб куриш имконияти.

Ушбу электрон дарсликда навигация тизимидан ташкари транслитерация (бошка тилга угириш) тизими хам ишлаб чикилган. Транслитерация — кирилл алифбосидан лотин ёзувига утишини таъминлайди. Хар бир бетда транслитерация тугмачаси мавжуд. Шу тугмачани босгандан кейинги бетдаги матн лотин ёзувига автоматик равишда угирилади. Ушбу дарслик яратилган тизим асосида бошка мавзудаги электрон дарсликларни яратиш мумкин, чунки ушбу тизим жуда хам кенг камровли, универсал хисобланади.

III. БОБ. Мехнат муҳофазаси.

3.1. Мехнат муҳофазасини яхшилаш бўйича режали тадбирлар.

Ишчиларнинг соғлом ва бехатар меҳнат килишлари ҳамда уларнинг иш шароитларини яхшилашга факат юксак даражадаги, хавфсизлик техникаси талабларига жавоб берадиган замонавий техника ва технологияларни ишлаб чиқаришга кенг жорий қилиш билангина эришиш мумкин. Бу борада меҳнат муҳофазасини яхшилаш мақсадида режали тадбирлар ишлаб чиқилади.

Қасаба уюшма уставига асосан ҳар йили маъмурият билан ишчи-хизматчилар уртасида узаро меҳнат муносабатлари тугрисида жамоат битими тузилади. Бу битимда ишчи ва хизматчиларнинг меҳнат қилиши ва маданий, маиший дам олиши тадбирлари ҳақида қилишиб олинади. Худди шу битимда меҳнатни муҳофаза қилиш чора-тадбирлари, меҳнат шароитини яхшилаш масалалари ҳам ҳисоби олинади ва бу масалалар маълум тартибга келтирилиб, меҳнатни муҳофаза қилишнинг номенклатура чора-тадбирлари сифатида битимга тиркаб қўйилади.

Номенклатура чора-тадбирлари планини қасаба уюшмаси билан қилишган ҳолда маъмурият ходимлари туради. Унга ушбу корхонада ҳозирги меҳнат шароити, касб касалликлари ва саноат корхонасида инсон организмига таъсир қилувчи зарарли омилларнинг мавжудлиги асос қилиб олинади. Бу план қасаба уюшма билан қилишилгандан кейин ишчиларнинг умумий мажлисида муҳокама қилинади.

Номенклатура чора-тадбирларига асосан иш шароитини яхшилашга олиб келадиган чора-тадбирлар киритилиб, уларни шартли равишда қуйидаги уч гурппага бўлиб қараш мумкин.

1. Бахтсиз ҳодисаларнинг олдини олишга қаратилган тадбирлар; бунга қушимча сакловчи ва муҳофаза қилувчи тусик системаларини урнатиш, блокировка қилиш, муҳофазанинг автоматик системаларини қўллаш, узоқдан туриб бошқариладиган асбоблар жорий қилиш, сигнал системалари, механизациялаштириш масалалари ва бошқалар қиради.
2. Ишлаб чиқаришда касб касалликларининг олдини олишга қаратилган тадбирлар; бунга ишчилар ҳар хил зарарли таъсир қурсатувчи моддалардан муҳофаза қилувчи қўрилмалар тайёрлаш ёки сотиб олиш, яхши шамоллатиш ва ҳавони тозалаш системаларини урнатиш, сув ичадиган фонтанчалар урнатиш ва ичимлик сувини тозалаш ҳамда газлаш учун асбоб-ускуналар сотиб олиш.
3. Меҳнат шароитларини умумий яхшилашга қаратилган тадбирлар; бунга оқилона ёритиш, санитария-маиший хоналар ҳолатини яхшилаш, махсус қийим бош ва оёқ қийимларини

вактида сифатли ремонт килиш, меҳнатни муҳофаза килиш кабинетлари, бурчаклари ва стовкалари ташкил килиш, хавфсизлик техникаси ва ишлаб чиқариш санитариясига оид инструкциялар, эслатмалар чиқариш.

Номенклатура чора-тадбирлари иш битимига киритилганлиги ва ишчиларнинг умумий мажлисида тасдиқлангани сабабли, бу чора-тадбирлар бажарилиши шарт бўлиб қолади ва унинг бажарилиши ҳақида маъмурият ишчиларга ахборот бериб туриши керак. Унга сарфланадиган маблағ ишлаб чиқариш корхонасининг асосий фондидан олинади ва бу маблағлардан бошқа мақсадларда фойдаланиш мутлоқо тақиқланади.

Хар йили ишлаб чиқариш травматизмининг олидини олишга юз миллион сумлаб маблағ сарфланади, бироқ купгина корхоналарда травматизмлар содир бўлиб туради. Бахтсиз ходиса юз берган шароитларни текшириш шу нарсани курсатадики, унинг содир бўлишига купинча жароҳатланувчининг узи, унинг шахсий сифатларидаги етишмовчилик сабаб булар экан.

Купинча ишни бажаришда ишловчига боғлиқ бўлган психологик факторларнинг катта таъсири борлигини курсатади. Меҳнат хавфсизлиги психологиясининг асосий ҳоллари куйидагилар:

1. Меҳнат хавфсизлиги ишловчининг жисмоний ва биологик сифатларининг катта комплексига боғлиқ: янги ишчиларни қабул қилишда асосий эътиборни уларнинг уз қасбларини тугри танлашига ва ишнинг хавфсиз усуллари узлаштиришларига жалб қилиш лозим.

Ишловчиларнинг хатти-ҳаракатида интизом ва узини тута билишига эришиш ҳам асосий факторлардан биридир. Бу нарса хавфсизлик техникаси талабларини систематик равишда бажаришда намоён бўлади. Ишловчиларни содир бўлган бахтсиз ходисалар билан таништиришда, унинг барча содир бўлиш сабабларини тушунтириш ва шу ернинг узида унинг олдини олиш йулларини курсатиш лозим.

2. Техникавий камчиликларнинг таъсири.

Инсоннинг психтик ҳаёти асосан ташқи муҳитга боғлиқ ва ишни бажариш пайтида бу муҳитдаги зарарли факторлар инсонга бутунлай ёмон таъсир курсатади. Бу зарарли факторларга куйидагилар қиради: газ ва чанг билан ифлосланганлик, ёмон ёритилганлик, жуда паст (-4 , -6 C) ёки жуда юқори ($+30$ C) температура, шовкин. Бу факторлар ишловчининг тез чарчашига, сергаклигининг йуқолишига биларга сабаб бўлади, булар эса тажрибасизлик ва эҳтиётсизлик билан биргаликда бахтсиз ходисага олиб келади.

3. Ишловчиларнинг травматизмига сабаб бўлувчи шахсий сифатлари.

Ишга қабул қилинаётган қупчилик касбдаги кишилар учун мажбурий булган медицина қуригини утказиш вақтида (Ўзбекистон Республикаси Меҳнат кодекси 214-модда) ишга қабул қилинаётган кишининг шахсий сифатларини, шунингдек унинг соғлигидаги травматизмга чалинишини қучайтирадиган етишмовчиликларни комплекс равишда ҳисобга олиш зарур. Буларга қуйидагилар қиради:

1. Асаб касаллик системаси ёки бошқа органлардаги доимий функционал узғаришлар;
2. Сизги органларининг турли қамчиликлари, қуришнинг қисман йукотилиши, гаранглик ва ҳоказо;
3. Ҳаракатларнинг мослашувидаги нуқсонлар (эпчилмаслик, ишончсиз ҳаракатлар);
4. Эмоционал қараёнларнинг мувозанатлашмаганлиги (хурсандчилик, арзимаган ташқи таъсирга дарҳол берилиши), булар енгилтаклик, уйламасдан иш қилиш, шовма-шоварликда намоён бўлади;
5. Алкоголь ва нашаларга ружу қуйиш;
6. Ишдан қунгли тулмаслик ва унга қизикишнинг йуклиги, бундан эса ҳардамҳаёллик, қизикмаслик қелиб қикади.

Юқорида айтилганлардан шундай ҳулоса қелиб қикадики, медицина қуригининг салбий ҳулосасига ёки бақараётган ишига узининг шахсий ҳислатлари мос қелмаслигига қарамасдан ишга қирган қиши, бошқаларга нисбатан узининг бахтсиз ҳодисага учрашига доимо сабабқи бўлади.

3.2. ЭХМ хоналарига гигиеник талаблар ва унинг ёритилиши.

ЭХМ урнатилган хона гигиеник талабларга жавоб беради. Бу укув жараёнини оптималлаштиришда ва согликни саклашда жуда мухим. ЭХМ лик хона юзаси 6 кв м дан 4 м дан паст булмаган баландликда, хажми 44 куб метрдан кам булмаслиги керак. Агар хона баландлиги кичик булса, юзасини бир иш урнига катталаштириш тавсия этилади.

Пол юзаси текис, лекин силлик эмас, ювиш ва намли йигиштиришда кулай, антисептик хусусиятларга эга булиши керак.

Информатика кабинетига укув хонаси ва зинапоя майдончасига иккитакиришга эга булган, юзаси 18 кв метрдан кам булмаган лаборант хонасигаэга булиши керак. Бу хоначада ишчи стол (130x75), радиомонтажли стол, инструментлар учун тумбочка, шкафлар, стеллаж, сейф булиши керак. У табиий ёритилиши, ойналарда дарпардалар ёки жалюзлар булиши керак.

Синфда кираверишда портфел ва сумкаларни куйиш учун жавонли шкафлар булиши керак.

Компьютерли хоналар табиий ва сунъий ёритилиши керак. Дереза ёриклари С ёки СВ булиши, табиий ёругликнинг асосий окими чапдан булиши керак, унгдан булган холларда хам йул куйилади. Табиий ёруглик асосий окимнинг олдиндан ва оркадан булишига йул куйилмайди.

Деворларни буяш учун совук тондаги ранглар: очик яшил, очик кук, очик кулранглар кулланилиши мумкин.

ЭХМ ликхоналар учун умумий текис ёритиш тизимини куллаш керак. Бу тизим компьютер ишчи столининг икки томонидан яхлит чизик курунишда шипда катор килиб урнатилган люминесцент лампалар билан амалга оширилади.

Монитор экрани ёритгичнинг химоя бурчак сохасида жойла-шиши ва проекция видеомонитор экранидан ташкарида булиши керак. Ёритгичлар ЭХМ экранида аксланмаслиги керак. Стол сиртидаги ёри-тиш 300 -500 лк чегарасида булиши керак. Аудитория доскасини ёритиш учу нагар бор булса, ЛПО – 125 сериясидаги ёритгичлар кулланилиши, аудитория доскасининг ёритилиши 500 лк булиши керак.

ЭХМ лик укув хоналари учун юкори частотали мослагичли, аппаратли (В4ПРА) ЛПО36 сериясидаги ёритгичлардан фойдаланиш керак. В4ПРА «кия, ёруг» модификациясидаги ёритгичлардан фойдаланиш керак. Агар бу ёритгичлар булмаса, металл тур билан уралган ёритгичлар ишлатилади. Уларга куйидагилар киради:

1. ЛПО 13- 2x40 / Б-01;

2. ЛПО 13- 4x40 / Б-01;
3. ЛСП 13- 2x40 – 06;
4. ЛСП 13- 2x65 – 06;
5. ЛСО 05- 2x40 – 001;
6. ЛСО 05- 2x40 – 003;
7. ЛСО 04- 2x36 – 008;
8. ЛПО 34- 4x36 – 002;
9. ЛПО 34- 4x58 – 002;
10. ЛПО 31- 2x40 – 002.

Ёруглик манбалари сифатида 40 Вт кувватли люминесцент лампалар ёки спектраль таркиби нуктаи – назаридан энг самарали хисобланган ЛхБ, энергияни тежовчи Лб типдаги 36 Вт кувватли люминесцент лампалар тавсия этилади. Йилига дераза ойналари, ёритгичлар камида 2 марта, ёругликнинг Меъёрий кийматларини таъминлаш учунтозалаб турилиши, куйган лампалар уз вактида алмаштирилиши керак.

ХУЛОСА

Мен ўзимнинг битирув малакавий ишимда “Macromedia Flash дастурининг ActionScript дастурлаш муҳити бўйича электрон маълумотнома яратиш” мавзусини танладим.

Мавзунинг долзарблиги шундаки ҳозирда олий укув юртида утиладиган барча фанлардан электрон ўқув қўлланмалар, электрон маълумотномалар ва виртуал стендлар тайёрлаш ўқув режага кирган бўлиб уни тайёрлаш талаб этилмоқда. Бунга асосий сабаб уқитиш жараёнида баъзи маърузалар ва тажриба ишларида айнан шу яратилган электрон маълумотномадан фойдаланилиш давр талабига айланмоқда. Ўқитиш тизимида дарсни маълум қисмларини намойиш асосида талабага етказиш мумкин.

Ўқитишни бу усулда ташкил этилиши кўпроқ тажриба ва амалий машғулотларда қўл келади, яъни тажриба машғулотларида бирор бир содир бўлаётган жараённи виртуал (анимацион) кўринишда ифода этиш, тест синовларини олиш ва бошқалар.

Ҳозирги даврда кўплаб мавзу ёки фанлар бўйича электрон китоблар, ургатувчи дастурлар ишлаб чиқилган бўлиб, Macromedia Flash дастурининг ActionScript дастурлаш муҳити бўйича мукамал ишлаб чиқилган электрон маълумотнома ишлаб чиқилмаган десак хато бўлмайди.

Битирув малакавий ишнинг асосий мақсади «Информатика ва ахборот технологиялари» кафедрасида утиладиган “Web-технологиялари” фанининг Macromedia Flash дастури ActionScript дастурлаш муҳити бўйича электрон маълумотнома яратишдир.

Macromedia Flash дастурининг ActionScript дастурлаш муҳити бўйича электрон маълумотнома яратиш жараёни 4 босқичда амалга оширилди:

1. Дастур яратиш учун керак бўладиган асосий назарий маълумотлар йигилди;
2. Йигилган маълумотлар асосида амалий қисмлар, виртуал кургазмалар, тест назорати ишлаб чиқилди;
3. Дастурга қушимча имкониятлар фойдали Internet манзиллари кабилар киритилди.
4. Барча яратилган қисм дастурлар бир бутун тизимга бирлаштирилди.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РУЙХАТИ

1. Узлуксиз таълим тизими учун укув адабиётларининг янги авлодини яратиш концепцияси. Тошкент-«Шарк».-2002.
2. «ActionScript и Flash» , Д.Кореян, «Питер», 2005 г.
3. "Macromedia Flash MX 2004 ActionScript Reference Guide" Эрик Вейра, «ДомКниг», 2004 г.
4. «Macromedia Flash MX» Тони Маралиез, «BigBook», 2004 г.
5. «Flash 5. Руководство разработчика. Том 1. Основные методы и технологии программирования», Стив Тейксейра, Ксавье Пачеко, Вильямс, 2000 г.
6. «Borland Flash 6. Руководство разработчика» Стив Тейксейра, Ксавье Пачеко, Вильямс, 2002 г.
7. «Flash и технология COM», Н. Елманова, С. Трепалин, А. Тенцер, Питер, 2003 г.
8. О.Д. Рахимов , У. Йулдошев «Мехнатни муҳофаза қилиш» маърузалар матни Тошкент-2002.
9. Махмутов М.И., Ибрагимов Г.И., Ошаков М.А. «Педагогические технологии развития мышления учащихся» Казан; 1993, 88 с.
10. Селевко С.. «Современные образовательные технологии» М. Изд. «Народное образование», 1998.
11. Сариев Р.Б. «Web-технологиялари» фанидан маъруза ва тажриба ишлари бўйича услубий кўрсатмалар. Бух. 2009 й.

